



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 15 январь, № 9 (9180)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 январь куни энергия самарадорлигини ошириш ҳамда электр энергияси таъминотида бозор механизмларини жорий этиш юзасидан такдимот билан танишди.

Халқаро экспертларнинг хулосаларига кўра, Ўзбекистон энг кўп энергия сарфлайдиган мамлакатлар қаторига киради. Хусусан, республикамызда биноларнинг якуний энергия истеъмолидаги улуши қарийб 50 фоизни ташкил этиб, бир квадрат метрга тўғри келадиган энергия сарфи Европа мамлакатларига нисбатан бир неча баробар юқори.

Шу боис ўтган йилда энергия самарадорлик соҳасидаги ислохотларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида алоҳида агентлик ташкил этилди. Ушбу тузилмага 2030 йилга қадар иқтисодийёгда энергия сарфини камида 20 фоизга, давлат идоралари ва ижтимоий объектларда эса энергия истеъмолини 15 фоизга қисқартириш вазифаси юклатилган.

Такдимотда агентлиكنинг 2026 йилдаги фаолияти режалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимиздаги биноларнинг катта қисми ўтган асрнинг 60 — 70-йилларида қурилган бўлиб, уларда энергия сарфи даражаси юқорилигича қолмоқда. Шу боис ижтимоий объектлар ва аҳоли тураржойларини энергия самарадор объектларга айлантириш бўйича кенг кўламли ишлар режалаштирилган. Жорий йилда бунга 150 миллиард сўм субсидия ва компенсация маблағлари йўналтирилди.

Республикадаги 30 мингга яқин ижти-

моий объектларнинг энергия самарадорлигини оширишда халқаро молия институтлари иштироки ва хусусий сектор инвестицияларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилги инвестиция дастури доирасида 770 та ижтимоий объект энергия самарадорлик стандартлари асосида модернизация қилинади. Бунга халқаро молия институтларидан 264 миллион доллар маблағ жалб этилади.

Шу билан бирга, энергияни тежаш орқали даромад олиш механизмлари — энергия сервис компанияларининг хизматларини (ESCO) ривожлантириш ва ушбу бозорни шакллантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Биноларни энергия аудитдан ўтказиш, энергия самарадорлик стандартлари асосида лойиҳалаш ва моделлаштиришда рақамли технологиялар ҳамда сунъий интеллект имкониятларини кенг қўллаш режалари ҳақида ахборот берилди.

Саноат соҳасида ҳам энергия тежамкорлигини ошириш бўйича аниқ режалар белгиланган. Жумладан, жорий йилда 142 та тўқимачилик корхонасига қуёш панелларини ўрнатиб, 722 миллион киловатт-соат электр энергияси ва корхоналарнинг 693 миллиард сўм маблағи тежалашни кутилмоқда. Шунингдек, ичимлик суви таъ-

миноти тизимида 300 та насосни янгилаш режалаштирилган.

Марказлашган иссиқлик таъминоти тизимидаги мавжуд муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айни пайтда иссиқлик қозонхоналари ва тармоқларининг бир қисми эскириши оқибатида энергия йўқотишлари юқори даражада қолмоқда. Шу боис жорий йилда иссиқлик қозонхоналари ва тизимларини модернизация қилиш, уларни "ёпиқ тизим"га ўтказиш доирасида 400 та индивидуал иссиқлик пунктини ўрнатиш ва камида 100 километр иссиқлик тармоқларини янгилаш кўзда тутилган.

Мутасаддиларга биноларни қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда энергия самарадорлик стандартлари ва таъсирчан қоидаларни ишлаб чиқиш топширилди.

Такдимотда электр энергияси соҳасида рақобатли бозор механизмларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Хусусан, паст қучланишли электр тармоқларини хусусий секторга бериш ишлари Самарқанд вилоятидан бошланиб, кейинги босқичда Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрига кенгайтирилиши режалаштирилган. Бу орқали тармоқларини янгилашга инвестицияларни жалб этиш орқали йўқотишларни кескин камайтириш кўзда тутилган.

Электр энергиясининг улгуржи бозорини шакллантириш ишларининг бориши тўғрисида ахборот берилди.

Ҳозирги кунга қадар йилига 10 миллион киловатт-соатдан кўп электр истеъмоли қилаётган улгуржи истеъмолчилар рўйхати тузилди. Ушбу корхоналар учун электр энергиясини улгуржи бозорда соатбай шаклланган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилиш тизимини жорий этиш таклиф этилди.

Бугунги кунда энергетика ва коммунал соҳалар бўйича алоҳида регуляторларни ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, бу борада ягона регуляторни ташкил этиш таклифи билдирилди.

Президентимиз мазкур таклифларни маъқуллаб, энергия самарадорлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва энергетика бозорига рақобат муҳитини шакллантириш муҳимлигини таъкидлади ҳамда мутасаддиларга тегишли топшириқларни берди.

Прокуратура ва ички ишлар органлари олдига муҳокама қилинган соҳаларда қонун талабларига қатъий риоя этилишини ва жавобгарлиқнинг муқаррарлигини, белгиланган чора-тадбирларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш юзасидан ҳокимликлар билан яқиндан ишлаш вазифаси қўйилди.

КЎП КВАРТИРАЛИ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев кўп квартирали уй-жой фондиди бошқариш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлашга қаратилган таклифлар такдими билан танишди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 44 мингдан зиёд кўп квартирали уйларда 7,1 миллион нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 900 дан ортқ бошқарув сервис компаниялари ва 200 дан ортқ ширкатлар хизмат қилади. Шунингдек, 856 та уйда ўзини ўзи бошқариш тизими жорий этилган.

Кейинги йилларда кўп қаватли уйлар ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, умумий мулкни таъмирлаш ва муҳандислик коммуникацияларини янгилаш бўйича муайян ишлар қилинди, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш даражаси ва кўлами ошди.

Шу билан бирга, бошқарув сервис компаниялари фаолияти барқарорлиги ва самарадорлигини такомиллаштириш орқали хизматлар сифатини ошириш, қўшимча сервис турларини жорий этиш долзарб аҳамиятга эга.

Мавжуд бошқарув компанияларининг аксарияти мажбурий бадал ҳисобидан фаолият юритмоқда, уларнинг фаолиятига инвестиция киритишга тайёр тадбиркорлар кам. Шунингдек, экспертларнинг

дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, йирик шаҳар ва вилоят марказларида бошқарув сервис компанияларининг яширин даромадлари расмий тушумлардан камида икки баробар кўп. Буларнинг барчаси соҳага даромад келтирадиган янги модель ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан 2026 — 2030 йилларда баъзи шаҳар ва туманларда кўп квартирали уй-жойларни бошқаришнинг кластер тизимини ҳуқуқий эксперимент сифатида жорий этиш таклиф қилинди.

Эксперимент доирасида уйлар ҳолати таҳлил қилиниб, "яшил", "сарик" ва "қизил" тоифаларга ажратилади, камида 7 минг хонадондан иборат лотлар шакллантирилади ҳамда 5 йиллик ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади. Лотлар ва мастер-режалар туман Кенгашилари томонидан тасдиқланади, бошқарувчи ташкилотлар эса "Менинг уйим" тизими орқали мулкдорлар томонидан овоз бериш йўли билан танланади.

Бошқарувчи ташкилотлар учун минимал молиявий ва ташкилий

талаблар, жумладан, ўз маблағи, моддий-техник база, 7/24 диспетчерлик хизмати мавжуд бўлиши каби шартлар белгиланади. Шу билан бирга, қўшимча даромад манбалари сифатида маиший хизмат марказларини ташкил этиш, енгил конструкцияли қурилмаларни барпо этиш ва улардан узоқ мuddатли фойдаланиш имкониятлари яратилади.

Мажбурий бадаллар ҳамда бошқарувчи ташкилотларнинг хизматлардан тушадиган барча қўшимча даромадлари фақат "Менинг уйим" билнинг тизими орқали ҳисобга олинади. Ушбу тартибга риоя этмасдан бадаллар ҳисобини юритиш бўлгалтерия ҳисоби ва ҳисобот талабларини бузиш ҳисобланади.

Умумий мол-мулкни ижарага ёки текин фойдаланишга бериш бўйича шартномалар солиқ органларида мажбурий тарзда ҳисобга қўйилади. Белгиланган тартиб бузишда бошқариш органига топширилган электрон реестрдан чиқариб ташланади. "Менинг уйим" ахборот тизими орқали умумий йиғилишни ташаббус қилиш, муҳо-

кама ўтказиш, қарор қабул қилиш, шартнома тузиш, ҳисобот тақдим этиш ҳамда мурожаатларни юбориш ва кўриб чиқиш имкониятлари тўлиқ йўлга қўйилади.

Агар ҳар чорак якуни бўйича "Менинг уйим" тизимида ҳисобот маълумотлари киритилмаса, кейинги ойлар учун мажбурий бадалларни ҳисоблаш маълумотлар киритилгунга қадар вақтинча тўхтатилади ва орқага қайта ҳисоб-китоб қилинмайди. Шунингдек, кўп квартирали уйларнинг техник ҳолати, ер участкалари, энергия ва сув истеъмоли бўйича маълумотларни ўз ичига олган "Турар жой" миллий ахборот тизими босқичма-босқич ишга туширилади.

Кўп квартирали уйни фойдаланишга қабул қилишда кадастр паспорти расмийлаштирилиб, у "Турар жой" тизимида автоматик акс этиши, ўрнатилган қуёш панеллари эса умумий мол-мулк сифатида бошқариш органига топширилиши шарт этиб белгиланди. Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда, уй фойдаланишга қабул қилинмайди.

Яна бир масала — соҳани рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш. Аввало, бошқарув сервис компанияларининг диспетчерлик хизматларида сунъий интеллект асосида ишлайдиган тизимлар жорий қилиниши, мурожаатлар билан ишлаш ва хизмат кўрсатиш тезлиги оширилиши кераклиги қайд этилди.

2026 — 2030 йилларда соҳадаги институционал ислохотларни давом эттириб, ҳокимликлар ҳузурида уй-жой коммунал соҳани назорат қилувчи ҳудудий инспекциялар ташкил этиш, уларнинг бюджетдан ташқари жағғармаларини шакллантириш, ҳокимнинг уй-жой коммунал хўжалиги бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга қисқа мuddатда соҳанинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, уй-жой мулкдорлари ва бошқарув сервис компаниялари учун бирдек манфаатли, иқтисодий жиҳатдан барқарор ва шаффоф тизим яратиш юзасидан топшириқлар берди.

ҲУДУДЛАРДАГИ БУНЁДКОРЛИК РЕЖАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев туризм, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган қурилиш лойиҳалари такдими билан танишди.

Мамлакатимиз иқтисодий ўсишининг юқори суръатлари, давлатимизнинг фаол ташқи сиёсати туфайли халқаро ҳамкорлик кенгайиб, юртимиз ишбилармонлик ва туризм марказига айланиб бораётгани инфратузилмани шунга муносиб ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу боис замонавий транспорт тармоқлари, хизмат кўрсатиш объектлари ва жамоат биноларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Такдимотда турли ҳудудлардаги бунёдкорлик режалари кўриб чиқилди.

Жумладан, Хива шаҳрида Конгресс маркази ва тарихий-этнографик боғ барпо этилиши режалаштирилган. Бу иншоотлар шаҳарда йирик халқаро анжуманлар ўтказиш ва туристлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилади.

Қурилиш режалаштирилган Конфуций институти ва Лу Бань устaxonасида маданий ва маърифий тадбирлар ўтказиш, ёшларни замонавий касбларга ўқитиш учун шароитлар яратилади.

Урганч халқаро аэропортини модернизация қилиш доирасида унинг инфратузилмасини кенгайтириш, йўловчилар ва юкларга хизмат кўрсатиш сифатини, логистика имкониятларини ошириш орқали ҳудуднинг транспорт салоҳиятини янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Урганч вокзалидан янгиланган аэропортга алоҳида темир йўл линияси тортилиши натижасида йўловчилар учун қулайлик янада ошади.

Шунингдек, мавжуд Урганч — Хива автомобили йўлини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда унга муқобил бўладиган янги автойўл қуриш режалари тақдимот қилинди.

Фаргона шаҳрида экспомарказ қуриш лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Мазкур мажмуада халқаро кўргазмалар, бизнес форумлар ва йирик тадбирлар ўтказиш учун зарур шароитлар яратилиши, бу эса ҳудуднинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, Бурҳониддин Марғинович илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш лойиҳаси тақдимот қилинди. Марказда маънавий мерос ва илмий тадқиқотлар йўналишида халқаро даражадаги фаолиятни йўлга қўйиш, замонавий илмий мактаб шакллантириш кўзда тутилган.

Бухоро давлат университетиининг янги замонавий кампусини барпо этиш бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилди. Университетда профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қулай таълим ва илмий муҳит яратиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Режалаштирилган лойиҳалардан бири — Тошкент шаҳрида замонавий бадий гимнастика мажмуаси. Ушбу марказда ёшларнинг иқтидорини юзага чиқариш ва профессионал бадий гимнастикачиларни тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Президентимиз лойиҳаларни амалга оширишда сифат, қулайлик ва замонавий талабларга қатъий риоя қилиш, шаҳарсозлик маданиятини юксалтириш ҳамда аҳоли эҳтиёжларини инобатга олиш муҳимлигини таъкидлаб, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Ў.А.

ВАТАНИМИЗ ПОСБОНЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 34 йиллиги кенг нишонланмоқда.



Айём муносабати билан "Янги Ўзбекистон" боғидаги Мустақиллик монументига Қуролли Кучлар тузилмалари раҳбарияти ва шахсий таркиби томонидан гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Шунингдек, пойтахтимиздаги муҳташам "Халқлар дўстлиги" саройида ушбу қутлуг санага бағишланган тантанали тадбир ташкил этилди.

Шукух

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси вакиллари, парламент аъзолари, Мудофаа, Ички ишлар, Фахруллоҳда вазиятлар вазирилари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, ДХХ Чегара қўшинлари, Божхона қўмитаси ва бошқа ҳарбий соҳа, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, фахрийлар,

ҳарбийлар ота-оналари ҳамда оила аъзолари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Шухрат Холмуҳамедов ўқиб эшиттирди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида ортга қайтмас ислохотларимизнинг мустаҳкам қафолатларидан бирига айланиб бораётган Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий қудратини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, қўшинларимизнинг жанговар сафларини янги-ча таълим-тарбия олган малакали офицер ҳамда сержантлар билан тўлдирилмоқда.

Қуролли Кучларимиз замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан босқичма-босқич таъминланаётир.

Ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқишни ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ билан армия ўртасидаги мустаҳкам бирлик ҳамда жипсликни янада кучайтиришга қаратилган самарали ишлар қатъий давом эттириляётир.

Айтиш жоизки, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоғида амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларда Қуролли Кучларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, миллий армиямиз юртимизда тинчлик ҳамда барқарорлик кафолатини таъминловчи асосий кучдир. Эътиборлиси, ҳаётини Ватанимиз



ҳимояси билан чамбарчас боғлаган ҳарбийларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши, оилавий шароит ҳамда имкониятларини янада яхшилаш мақсадида муҳим ижтимоий чора-тадбирлар ҳаётга кенг жорий этиляётир.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёевнинг сана арафасида Мудофаа вазирилги тизимидаги объектларга ташириш мазкур йўналишга оид муҳим вазифаларни белгилаб бергани билан аҳамиятли бўлди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида"ги Фармони санага ўзгача кўтаринкилик, янада баянлаб руҳ бағишлади.

Мудофаа вазирилги ҳарбий қисм вазод командири, "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби Абдурауф Каримовнинг айтишича, Ватанимизни, табаруқ тупроғимизни ҳимоялаш ҳар бир йигит учун шон-шараф ишидир. Бу вазифа она Ўзбекистонимиз-



ни, унинг келажаги, халқимизни, фарзандларимизни, истиқболимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш демакдир.

Шуқуҳли кечада мустақиллигимизни, тинч-осойишта кунларимизни, мамлакатимиз ва ундаги янгилаш жараёнларини улугловчи видеолавҳалар, бадий жамоалар, таниқли санъаткорлар иштирокида катта концерт дастури намойиш қилинди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов, Бош вазир Абдулла Арипов иштирок этди.

«Халқ сўзи».

Алихан УТАРБЕКОВ олган суратлар.

Янги қонун лойиҳаси

ШАҲАРСОЗЛИКДА ЯНГИ ТАЛАБЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМ

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги ва сейсмик хавфсизлигини назорат қилишда давлат назорати ва бошқарувини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси қўриб чиқилди ва биринчи ўқишда қабул қилинди.



Айтиш мумкинки, қонун лойиҳаси шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, хавфсиз ва сифатли уй-жойлар барпо этилишини таъминлаш, шунингдек, сейсмик хавфсизлик соҳасига замонавий ва самарали ёндашувларни жорий этишга қаратилган.

Шу ўринда ушбу ҳужжат ишлаб чиқишлигининг зарурати-га тўхталадиган бўлсак, бу борада бир қатор муҳим масалалар борлигини таъкидлаш ўринли.

Энг аввало, мамлакатимиз аҳолиси сони йил сайин ошиб бормоқда. Бунда аҳолининг уй-жойларга бўлган эҳтиёжи ортishi табиий, албатта. Давлатимиз раҳбари томонидан аҳолининг уй-жойларга бўлган талабини қондириш, айнаи чоғда уй-жой қурилиши соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга турли имтиёзлар бериб келинмоқда.

Натижада қурувчи тадбиркорлар сони сўнгги тўққиз йил давомида уч-тўрт баробар ошди. Шу билан бирга, кўп квартирالى уйлارнинг қурилиши ҳам ортиб бормоқда. Берилаётган имконият ва имтиёزلардан оқилона фойдаланиб, белгиланган шаҳарсозлик нормалари қоидалари асосида сифатли уй-жойлар қураётган тадбиркорлар билан бир қаторда ноқонуний қурилишлар қилаётган қурувчиларимиз ҳам, афсуски, учраб турибди. Бу эса уй-жой сотиб олган фуқароларимизнинг сарсон бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ваколатли органлар рўхсатсиз ўзбошимчилик билан тураржой биналари қуриш ҳолатлари сақланиб қолаётгани, айрим объектларда сейсмик хавфсизлик талабларига тўлиқ риоя этилмаётгани ўтган вақт давомида олиб борилган ўрганишларда ҳам аён бўлди. Бу эса соҳадаги давлат бошқарувини янада кучайтиришни тақозо қилмоқда.

Бундай ҳолатларга йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида ҳуқуқий кафолатлар акс этмоқда. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда кўп квартирالى уйлари рўхсатсиз қурганик учун жавобгарлик назарда тутилмоқда. Агар бу ҳуқуқбузарлик такроран содир қилинганда жиноий жавобгарлики белгилан тақлиф этиляпти.

Шаҳарсозлик кодексида эса “мастер режа” тушунчаси шаҳарсозлик ҳужжатларининг алоҳида тури сифатида мустахкамланмоқда. Ушбу ҳужжат ҳудудларнинг аниқ муаммоларини баргараф этиш, шаҳарсозлик, ижтимоий-иқтисодий ва экологик ечимларини уйғунлаштириш, шунингдек, ҳудудларни қисқа, ўрта ва узоқ муддатли ривожлантиришнинг режалаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, лойиҳа билан кўприклар ва туннелларни, потенциал хавфи юқори бўлган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш учун лицензия турларини амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда бериш талабини тугатиш, қуриш-монтаж ишларини бошлаш бўйича хабардор этиш тартибини рўхсатнома бериш тартибига ўзгартириш тақлиф қилинмоқда.

Шунингдек, маъмурий ислохотлардан келиб чиқиб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига сейсмик хавфсизлик бўйича бир қанча ваколатлар назарда тутилиб, айрим нормалар амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мослаштирилмоқда.

Қонун лойиҳаси амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мос равишда ўзида бир қанча юридик ва техник ўзгартаришларни ҳам акс эттирган.

Айтиш жоизки, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, энг аввало, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ноқонуний қурилишларнинг олдини олишга йўл очади. Ўз навбатида, сейсмик хавфсизлики таъминлаш соҳасига замонавий илмий ва техник ёндашувларни жорий этади, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини янада кучайтиради, қонунчилик ҳужжатларидаги номувофиқликларни баргараф қилади.

Шокиржон АҲМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Дунёнинг катта қисми 2025 йилни иқтисодий ноаниқлик ва геосиёсий тебранишлар шароитида ўтказган бир пайтда, Марказий Осиё сезиларли даражада йилнинг энг муваффақиятли ҳудудларидан бирига айланди. Бешта давлат — Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон бугунги парчаланган глобал манзарада тобора кам учрайдиган натижага эришди. Улар барқарор ўсишни сақлаб қолди, ўзаро минтақавий ҳамкорлик янада мустахкамланди, янгиланаётган дунё тартиботида алмаштириб бўлмас иштирокчи сифатида ўзлигини намойён эта олди. Бунда, албатта, минтақа интеграцияси йўлидаги ҳаётий ташаббуслари билан ажралиб турадиган Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида ўрни бор.

Таҳлил

Ўтган йили имзоланган Давлат чегаралари туташган нукта тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги Хўжанд декларацияси жаҳон ҳам-жамияти томонидан хайрли йўлда қўйилган дадил қадам сифатида эътироф этилмоқда. Ва Марказий Осиёнинг ташқи сиёсатда 2025 йилдаги энг катта ютуғи, бу — буюк давлатлар ўртасидаги рақобатни моҳирона бошқара олгани бўлди. Минтақа Хитой, Россия, Европа Иттифоқи ҳамда АҚШ билан самарали муносабатларни сақлаб қолди. Бу стратегик зукколик ифодасидир. Ўтган йили глобал иқтисодий ўсиш секинлашган бўлса-да, Марказий Осиё умумий 5,7 фоизлик ўсишга эришди ва ҳатто Хитойни ҳам ортда қолдирди. Бу шунчаки омад эмас, бу иқтисодиётни кўп йиллар давомида диверсификация қилиш ҳамда стратегик позицияни тўғри танлаш натижасидир.

Дунё эътиборидаги ислохотлар самаралари

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бошланган ислохотлар хусусий сектор фаолиятининг жадал кенгайиши шаклида ўз медаларини бермоқда. Тўққиз йил олдин иқтисодиёт ҳажмини 100 млрд. долларга етказиш орзу бўлиб кўринарди. 2025 йил тарихимизда биринчи марта ялпи ички маҳсулот 145 млрд. доллардан ошди. Бундай юксак натижалар Президентимиз раҳбарлигида халқимизнинг қандай улкан ишларга қодир эканини яққол намойён этмоқда.

Глобал савдо тизимида “ўйин қоидалари” ўзгараётган бир пайтда бу йил экспортни 23 фоизга ошириб, 33,4 млрд. долларга етказиш режаси қўйилган. Энг муҳими, ислохотлар учун мустақим молиявий база бўладиган олтин-валюта захираларимиз илк бор 60 млрд. доллардан ошди. Ўтган йили иқтисодиётимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 43,1 млрд. долларга етди. Жами инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31,9 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса иқтисодиётимиз келгуси йилларда ҳам юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бориши учун замин бўлади, дегани.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ҳамда нуфузи, халқаро рейтинглардаги ўрни тобора мустахкамланиб бормоқда. Хусусан, Жаҳон банки эълон қилиб борадиган Давлатларнинг технологик етуклик индексида Ўзбекистон 71 поғона юқори кўтарилиб, дунёнинг “ТОП — 10”та мамлакат қаторидан жой олди. Аҳоли фаровонлиги ва бизнесни

ўстиришга хизмат қиладиган инфратузилмани янада яхшилаш бўйича ҳам катта ўзгаришлар йили бўлди. Ўтган йилда 5 млн. аҳоли даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Қарийб 1,5 млн. эҳтиёжманд аҳоли қамбағалликдан чиқди, илк бор 1 435 та маҳалла “қамбағалликдан холи” ҳудудга айланди. Юртимизда қамбағаллик даражаси 2025 йил бошидаги 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушди.

Бир эслайлик, бу ишлар бошланганида аҳолининг учдан бир қисми қамбағаллик чегарасида яшарди. Кредит, субсидия, компенсация каби юздан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилган ва буларни маҳалладаги “етилик”нинг ўзига берилгани нати-

“Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ҳамда нуфузи, халқаро рейтинглардаги ўрни тобора мустахкамланиб бормоқда. Хусусан, Жаҳон банки эълон қилиб борадиган Давлатларнинг технологик етуклик индексида Ўзбекистон 71 поғона юқори кўтарилиб, дунёнинг “ТОП — 10”та мамлакат қаторидан жой олди. Аҳоли фаровонлиги ва бизнесни ўстиришга хизмат қиладиган инфратузилмани янада яхшилаш бўйича ҳам катта ўзгаришлар йили бўлди.

жасида 8,5 миллиондан зиёд одамлар қамбағалликдан чиқди, ишсизлик 2 қарра қискарди.

Йўллар сифатли бўлса, иқтисодиёт ривожланади

Юртимизда шаҳарларни тезу-рар поездлар қатнови билан боғлаш учун жорий йилда яна 500 километр темир йўл қурилади. Келгусида 110 км. темир йўл тармоғи қурилиб, Бўка, Пискент, Бекобод, Боёвут туманлари ҳамда Нурафшон шаҳри пойтахт билан боғланади. Тошкент — Самарқанд йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездлар учун янги темир йўл линияси қуриш бошланади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Навоийдаги вокзаллар ҳам хусусий шериклик учун берилди.

БМТ таҳлиliga кўра, сифатли йўллар иқтисодиётнинг камида 2 фоиз ўсишига туртки беради. Автомобиль йўлларининг сифатини яхшилаш, транзит салоҳиятини янада кўтарishi мақсадида беш йиллик дастур амалга оширилади. Бунда Андижон билан Қўнғиротни, Тошкент билан Термизни, Самарқанд билан Шаҳрисабзни, Олот билан Сармисоёни боғлайдиган, узунлиги 4 минг километр магистраль йўллари халқаро талаблар-

га мос “автобан”ларга айлантириш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудидан ўтган умумий фойдаланишдаги 300 км. йўлларда реконструкция ишлари якунланади. Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Андижон, Тошкент — Бўстонлик, Пунгон — Наманган ва Қарши — Шаҳрисабз йўналишида юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган 800 км. йўллар қурилишига катта тайёргарлик кўрилиб, ҳамкорлар белгилаб олинди. Яна 1 200 км. йўллар 2030 йилгача халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда қайта қурилади.

Бу ўринда гап фақат поездлар ва портлар ҳақида кетмаяпти. Сўнгги йилларда глобал таъминот занжирларида узлишлар юз берганда, халқаро транспорт йўллари, хусусан, Ўрта коридор ўз қийматини исботлади. Геосиёсий кескинлик бошқа йўналишларни ёпиб қўйганда, Марказий Осиё муқобил вариантларни тақлиф қилди. Бу танлов имконияти — вазиятга қараб йўналишни ўзгартириш, мослашиш ҳамда бир неча йўлларни тақдим этиш қобилияти — инфратузилмани шунчаки харажат манбаидан стратегик активга айлантиради. Бу навбатдаги инқироз



алоҳида эътибор қаратди. Инфратузилмани муаммоларга қарамай, сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича 15 йиллик режасини эълон қилди ва ўз ҳудудида минтақавий сунъий интеллект марказини ташкил этишни тақлиф қилди.

Озарбайжон эса сунъий интеллект соҳасидаги миллий стратегиясини тақдим этди. Ўзбекистон сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда йигирмадан ортик лойиҳаларни амалга оширди — метрополитендаги кафт изи орқали тўлов тизимларидан тортиб, рақамли идентификация платформаларига-ча. Қирғизистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун минтақавий сунъий интеллект марказини яратишни тақлиф қилди. Туркменистон бир неча илгор технологияларни ўз олий ўқув юрталарига махсус фанлар сифатида жорий этди. “Виртуал активлар тўғрисида”ги қонунини амалга киритди. Ҳозирги глобал иқтисодиётда рақобатга чидамли бўлиш учун ма-лакали касб эгалари ва мутахассислар, замонавий технологиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутмаслик лозим.

Сунъий интеллектдан ташқари, минтақа блокчейн технологиялари, робототехника, муқобил энергетика ва аниқ деҳқончилик соҳаларида ҳам жиддий қадамлар ташламоқда. “Ақли шаҳар” лойиҳалари йирик шаҳар марказларида кенг тарқалмоқда. Мақсад Марказий Осиёнинг қучли томонлари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган ноёб тизимни яратишдир.

Катта марралар йўлидаги дадил қадамлар

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили Ўзбекистонда ИТ хизматлари экспорти илк бор 1 млрд. долларни ташкил этди. Ўзбекистон 2030 йилга бориб, ИТ хизматлари экспортини 5 млрд. долларга етказиш бўйича катта марра олган. Бу боис жаҳон бозорида рақобатдошликни ошириш учун Рақамли технологиялар халқаро маркази очилди, ИТ инфратузилмасига инвестиция киритиш учун қатор имтиёзлар берилди.

Эндиликда Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 4 та “Дата марказ”, 2 та супер-компьютер ва 15 та олий-гоҳда сунъий интеллект лабораторияси фаолияти йўлга қўйилди. Бу тиббиёт, транспорт, қишлоқ хўжа-

Бу йўлда муаммолар кузатилмайди, деб айтиб бўлмайди. Инфратузилма лойиҳалари доимий инвестицияларни, рақамли трансформация эса узлуқсиз таъминни талаб этади. Қолаверса, рақобатлашаётган кучлар билан мувозанатли муносабатларни сақлаб қолиш дипломатик маҳоратни тақозо қилади. Аммо шуниси эътиборлики, 2025 йилдаги Марказий Осиё муҳим бир жиҳатини, яъни ҳаракатлар эркинлигини намойиш этди. Минтақа шунчаки бугунги кунини бошқараётгани йўқ — у ўз келажагини онгли равишда шакллантирмоқда. Жуда кўплаб минтақалар тарих тузоғига тушиб қолган ёки ташқи босимдан фалаж бўлган бир даврда, бу мақсад сари интилувчанлик энг қимматли активга айланиши мумкин.

Муҳиддин КАЛОНОВ, Навоий давлат университети ректори вазифасини бажарувчи, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

САХОВАТДАН ЯРАЛГАН КўПРИК

Шофиркон туманидаги “Боғиафзал” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Саъдулла Раҳимов ва унинг турмуш ўртоғи Жамила Ўринова Умра зиёратини адо этмоқ учун тўплаган маблағини ҳудуддаги иккита кўприкни таъмирлашга сарфлади. Ушбу кўприкларга қўшимча бетон плиталар ётқизирилиб, улар зника ҳам кенгайтирилди. Йўл қисми асфальтлаштирилди, тротури ободонлаштирилди.



— Бу хонадон маҳалламиздаги ҳавас қилса арзғишлик оилалардан, — дейди маҳалла раиси Фурқат Қудратов. — Саъдулла ака узоқ йиллар қурилиш соҳасида ишлаган, Жамила опа эса болалар тарбияси билан шуғулланган. Олти нафар фарзандни оқ ювиб-оқ тараган, уларни эл-юрт қорига ярайдиган қилиб вояга етказ-

ган мазкур оиланинг саховати билан аҳоли таъвиши енгиллашди. Негаки, ҳар иккала кўприк тор, таъмирталаб аҳволда эди. Энди қўшни Пашмон, Жилван ҳамда Шароф Рашидов маҳаллаларини ўзаро боғловчи ҳамда Сўфийн қишлоғидаги кўприклардан ҳам хавфсиз ва қулай фойдаланиш имкони юзга келди.



— Қўшни маҳаллаларни қўйиб ту-ринг, биргина Боғиафзалда салкам 9 минг нафар аҳоли истиқомат қилиш инобатга олинса, эл таъвишини ўз орзу-ҳавасидан устун қўйган бу танти оиланинг саховати таҳсинга лойиқ, албатта, — дейди шофиркон-лик ҳамкасбимиз Алишер Обидов. — Сирасини айтганда, ҳаёт ҳам шундай инсонлар туфайли ўзгал ва мазмунлидир.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

«Ташаббусли» кутубхона

Мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сурхондарё вилояти кўзи оғирлар махсус кутубхонасининг Узун тумани филиали учун замонавий бино қурилишига “Ташаббусли бюджет” маблағлари ҳисобидан 950 млн. сўм ажратилгани, янги иншоот кўзи оғир ва заиф кўрувчи фуқаролар эҳтиёжидан келиб чиқиб лойиҳалаштирилгани ҳам бунга бир мисол.

Янги зиё масканида қулай инфратузилма, кенг ўқув заллари бўлиши, махсус мосламалар ҳамда замонавий технологиялар жойлаштирилиши режалаштирилган. Бу эса кўриш имконияти чекланган китобхоналар учун билим олиш, маънавий ривожланиш ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш имкониятини кенгайтиради.

— Ушбу кутубхона оддий бино эмас, балки инсон қадри улуғланаётган жамиятимизда ҳеч ким эътибордан четда қолмаслигининг яна бир ифодасидир, — дейди қурилиш ишларини олиб бораётган “Murod kafolat” хусусий корхонаси раҳбари У. Муродов. — Биз лойиҳани амалга ошириш жараёнида кўзи оғир фуқаролар учун барча қулайликларни яратиб, кутубхона биносини ўз вақтида фойдаланишга топширишни мақсад қилганимиз.

Ишончимиз комилки, аҳолининг бевосита ташаббуси ва фаол иштироки асосида барпо этилаётган замонавий кутубхона Сурхондарё вилоятининг маърифат масканларидан бирига айланади.

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).

Реклама

ҚИЗИҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Республикада картошка етиштиришни кўпайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 269-қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази 2026 йилдан бошлаб ҳар йили картошканинг “in-vitro” ўсимликлари ва микротаънакларидан 10 миллион дона етиштириш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Харажатларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги орқали Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказига 1,5 миллион АҚШ долларни эквивалентида миллий валютада трансферт маблағлари келиб тушган. Танловда иштирок этиш истагида бўлсангиз, мазкур марказга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Аҳмад Ясавий номидаги МФЙ, Шароф Рашидов кўчаси, 1-уй. Индекс: 111909. Электрон манзил: info@agroilm.uz

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ

Ортга қайтмас ислохотларнинг мустақкам кафолатларидан бирига айланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги ҳамда 13 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида кўтарилган масалалар мамлакатимиз бўйлаб кенг ўрганилмоқда. Мудофаа вазирилиги тизимидаги объектлар билан танишув ва мутахассислар билан мулоқот чоғида белгиланган вазифалар,

айниқса, соҳа вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Табриқда урғу берилганидек, кейинги йилларда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида орта қайтмас ислохотларимизнинг мустақкам кафолатларидан бирига айланиб бораётган Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий қудратини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, бошқарув ва таъминот тизими такомиллаштирилиб, замонавий ахборот технологиялари асосида модернизация қилинмоқда, қўшинларнинг жанговар сафлари янгича

таълим ва тарбия олган малакали офицер ва сержантлар билан тўлдирилмоқда.

Шахсий таркибнинг тайёргарлик даражаси, ҳарбий хизматчиларнинг касбий, интеллектуал ва маънавий салоҳияти изчил юксалтириб боришмоқда. Қуролли Кучларимиз замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан босқичма-босқич таъминланмоқда.

Қуйида соҳа вакиллари, юртдошларимизнинг маъмур йўналишида амалга оширилаётган ишлар кўлами ва уларнинг аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари газетхонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Муддатли ҳарбий хизмат — ёшлар учун муваффақият йўли

Санталат ИМОМНАЗАРОВА,
Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги
Қўғалиқўл маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси:

— Президентимиз топшириғига кўра, энди муддатли ҳарбий хизмат — фақат жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик эмас, балки ёшларимизни меҳнат бозорига ва мустақил касбга тайёрлаш босқичи сифатида ташкил этилишни эшитиб, бошим кўкка етди. Ахир армияда ёшлар камид битта касб эгаси бўлиб чиқса, у жамиятда ҳам ўзининг муносиб ўрнини топади. Ҳарбий хизматни ўташ муваффақият йўлининг дебочаси бўлади.

Фарзандларимдан қиёс: кенжа ўғлим Жобирбек армияга қаққиланганида танкчилар қисмига тушди. Қизиқиш ва укуви асқатиб жанговар машинани бошқариш, унга техник хизмат кўрсатишни тезда ўзлаштириб олганидан экипаж етакчилигини ишониб топширишди. Сўнг армияда қолиб, шартнома асосида хизматни давом эттирди. Мана, шунга ҳам ўн беш йилдан ошибди.

Армия ҳаёти ҳам кунда бир янгилик, кўнгилни қувонтирадиган хабарларга тўла. Аиниқса, касбига садоқатли, топшириқларни аъло даража-

да бажарадиган хизматчиларнинг меҳнати ҳамиша қадрланиб келади. Бундан икки йил аввал ўзининг танк бригадаси билан Россияда 24 давлатдан иштирок этган жанговар машина эгалари ҳарбий мусобақасида катта сержант Жобирбек ва унинг қуролдош дўстлари фахрли биринчи ўринни эгаллаб, бутун юртимизга катта шараф келтиргани ҳали-ҳамон кўпчилиكنинг ёдида. Ўша йили давлатимиз раҳбари фармони билан ўғлим Жобирбекнинг кўксини “Шўхрат” медали безаган чоғда ўзимга сигма қувонганимни асти қўверасиз...

Биласизми, онанинг бахти нимада? Энг аввало, фарзандларининг қамоли, бахту саодатида. Дилбанди ҳаётда муносиб ўрин топиб, жамиятга нафи теккан ота-оналар кунда бир яшаради. Тўрт ўғил, бир қизни улғайтириб, эл сафига қўшганимдан бахтиёрман. Жобирбекнинг шарафли касб — юрт посбони вазифасида собит турганлиги эса ўзгача фахр бағишлайди.



Матонат ва бирдамлик намунаси

Абдулло МИРАҲМЕДОВ,
подполковник:

— Ҳарбийлик бу нафақат касб, балки бутун умрга танланган шарафли ҳаёт йўлидир. Энг муҳими, фидойилик, масъулият ва қатъиятни талаб этувчи бу йўлни ҳарбий билан бирга унинг оиласи ҳам босиб ўтади. Шу боис ҳарбий оилани сабр, матонат ва бирдамликнинг ҳақиқий намунаси, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев расмийлигида 13 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ихтимой ҳимоя қилишга доир ишларнинг самарасини ошириб, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ишларни қўғайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилганидан баъоят хурсанд бўлдим.

Мен ҳарбий соҳада 16 йилдан буён фаолият олиб бормоқдаман. Шу йиллар давомида Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилиш билан бирга, оилавий ҳаётимиз ҳам ҳарбий хизмат билан узвий боғлиқ бўлиб келди. Хизмат бурчим сабабли турли ҳудудларда яшашимизга тўғри келди. Хусусан, Жиззах вилоятининг Бахмал тумани ҳамда Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида истиқомат қилдик. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, янги муҳитга мослашиш осон эмас. Аммо қаерда бўлмайлик, оилам доимо ёнимда бўлди. Ана шу бирдамлик менга ҳар қандай вазифани масъулият билан бажаришга куч бағишлади.

Ҳарбий хизматнинг ўзига хос жиҳатларидан бири узоқ хизмат сафарлари, кечаю кундуз давом этадиган вазифалардир. Бу пайтларда оила соғинчи янада кучаяди. Аиниқса, турмуш ўртоғимга катта масъулият тушади. Фарзандлар тарбияси, уй-рўзгор юмушлари, кундалик ташвишлар, асосан, унинг зиммасида бўлади. Бу эса чидам ва сабр, матонат ва фидойиликни талаб этади. Шукрки, турмуш ўртоғим ана шундай фазилатларга эга.

Биз уч нафар фарзанд — икки қиз ва бир ўғилни тарбиялаб voyга етказмоқдамиз. Фарзандларимизни билимли, тарбияли ва Ватанга садоқат руҳида voyга етказиш ҳаётимизнинг мақсадларимиздан. Уларнинг ҳар бир ютуғи оиламиз учун энг катта бахт ва фахр ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун шарт-шароитларни янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар бизни қувонтириб, эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлайди. Уй-жой масаласи, ихтимой ҳимоя, фарзандлар таълимига берилаётган имкониятлар ҳарбийларнинг хизматига бўлган масъулиятини янада қўғайтиради.

Ўз касбимдан фахрланаман. Чунки Ватан хизмати — олий бурч ва шараф. Ҳарбий оила эса шу шарафли йўлнинг энг ишончли таянчидир.



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилиги матбуот хизмати суратлари.

Ватанпарварлик тарбияси оиладан бошланади

Жавохир АХМАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ДХХ Чегара қўшинлари
ҳарбий хизматчиси, майор:

— Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг табригида ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқишни ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ билан армия ўртасидаги мустақкам бирлик ва жипсликни янада кучайтиришга қаратилган самарали ишлар қатъий давом эттириляётганини эшитиб, шу соҳанинг бир вакили ўлароқ жуда хурсанд бўлдим. Зеро, Қуролли Кучлар ватанпарвар ҳарбий хизматчилардан ташкил топса, унинг куч-қудрати янада ошади. Ватанпарварлик тарбияси эса, аввало, оиладан бошланади.

Ҳарбийликка меҳр ва ҳавас менда болалиқда уйғонган. Тоғам Ғайратжон Усмоновнинг ҳарбий либосига завқим оқиб, ҳавасим кучайган. Унинг бош кийимини кийиб, ҳарбийларга тақлид қилиш энг семимли машғулотим эди.

Кейинчалик акам Жафарбек Эрназаров Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли касбни танлади. У ишдан қайтган захотиёқ унинг ҳарбий либосларини кийиб, катталарни қувонтиришга ошиқардим. Бугун орта назар ташласам, айнан шу онлар келажимни, касб танлашдаги тақдиримни белгилаб берган экан. Бугун қариндошлар жамулжам бўлган давраларда ушбу ширин хотиралар алоҳида илқилик билан эсга олинади.

Мактабда ёзган иншоларимда ҳам “Келажакда ким бўламан?” деган саволга ҳеч иккиланмай, фахр ва гурур билан ҳарбийлик касбини кўрсатардим. Оиламиз, устозларим ва синфдошларим бу танловимга ҳеч қачон шубҳа билан қарашмаган. 2010-2011 йилларда Жиззах вилоятида муддатли ҳарбий хизматни ўташ жараёнида бу аҳдим янада мустаҳкамланди. 2011 — 2015 йилларда

Тошкентдаги олий ҳарбий билим юртида таҳсил олдим. Чинакам ҳарбийлик сабоқларини ўзлаштирганимдан сўнг чегара қўшинларида хизматни бошлаб, юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида астойдил камарбаста бўлдим.

Дастлаб Тошкент вилоятида, кейинчалик Фарғона водийсида мамлакатимиз чегаралари дахл-сизлигини қўриқлаш шарафига муяссар бўлдим. Чегарачи учун энг муҳим фазилатлар — сергаклик ва ҳушёрлик эканини хизмат давомида янада чуқур англадим. Айни пайтда ҳарбий қисмда маънавий-маърифий ишлар бўйича масъулият вазифасини ҳам сидқидилдан бажариб келмоқдаман. Энг улуг орузларимдан бири — ҳарбийлар сулоласининг муносиб ворисларини тарбиялаш. Бу шарафли йўлда мактабгача таълим ташкилотига тарбиячи сифатида фаолият юритаётган турмуш ўртоғим Моҳинов Исмоилов менга яқин ҳамфикр ва ишончли кўмақдош.

Оиламиз даврасида суҳбат мавзуси кўпинча ҳарбийлик касбига бориб тақалади. Чунки бу ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Бўш вақтларимизда биргаликда ҳарбийлар ҳаёти ҳақидаги фильмларни томоша қиламиз, бадий китоблар мутолааси билан шуғулланамиз. Ишдан қайтганимда ўғилларим янги ёд олган шеърларини ифтихор билан ўқиб беришади. Муқофот сифатида ҳарбий либосларимни кийишга ружсат беришимни ёки дам олиш кунлари ҳарбий қисмга олиб боришимни илтимос қилишади...

Ватан ҳимоячилари куни оиламизда алоҳида шуқуҳ билан нишонланди. Байрам муносабати билан яқинларимиз хонадонимизга ташриф буюриб, уйимиз файзу баракага тўлди.

Армиянинг жанговар қудрати янада оширилади

Шерзод АЛИМОВ,
Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети доценти:

— Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ўтган йилларда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган салмоқли ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга урғу қаратилди.

Ҳақиқатан ҳам, 2017 — 2025 йиллар давомида олиб бориладиган ҳарбий ислохотлар натижасида армиянинг ташкилий тузилмаси қайта қўриб чиқилди, қўшинлар бошқаруви тизими соддалаштирилди, жанговар тайёргарлик бўйича НАТО стандартларига яқинлаштирилган методикалар жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига бугун шартнома бўйича профессионал ҳарбийлар хизмат қилмоқда. Бу эса армиянинг ҳаракатланиш тезлиги, мослашувчанлиги ва тайёргарлик даражасини сезиларли даражада оширди. Бундан ташқари, сўнгги йилларда “Фориш”, “Каттақўрғон”, “Марказ” полигонларида ўтказилаётган йирик қўшинлараро ўқув-машғулотлар, қўмондонлик-штаб йиғинлари ва халқаро ҳамкорликдаги тренинглар Ўзбекистон армиясининг жанговар тайёргарлиги ва реал шароитда ҳаракат қилиш қобилиятининг юқори эканини намоён этмоқда.

Асосийси, терроризмга қарши кураш, чегараларни ҳимоялаш, стратегик объектлар хавфсизлигини таъминлаш ва халқаро тинчликни қўллаб-қувватлаш масалаларида Ўзбекистон армиясининг тақрибаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу боис бугунги мамлакатимиз армияси — ўзининг мустақкам маънавий асослари, жасур шахсий таркиби, янгиланган техник салоҳияти ва халққа чамбарчас боғланганлиги билан ажралиб турадиган нафақат миллий мудофаа, балки бутун минтақанинг тинчлиги ва барқарорлиги учун ишончли таянча айланган кучдир.

Президентимиз табригида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи

Ўзбекистон Қуролли Кучлари фаолиятининг мафқуравий пойдеворини “Ватан — миллат — халқ” концепцияси ташкил этади. Бу концепция оддий шир эмас, у ҳарбий хизматчининг бутун дунёқараши, ички ишончи ва хизматига бўлган муносабатини белгилаб берувчи ҳаётий мезондир. Қолаверса, ҳарбий тизимда миллий руҳ, она тилига ҳурмат, маданий меросга эътибор аскарининг маънавий барқарорлигини кучайтиради. Бу, аиниқса, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Аскарнинг энг катта таянчи — халқнинг ишончи. Халқ ва армия бирлиги Ўзбекистон мудофаа тизимининг энг муҳим мезонларидан биридир. Бугун ҳарбий хизматчилар кундалик хизмат жараёнидан тортиб, дала-ўқув машғулотларига бўлган барча босқичларда айнан мана шу тамойилга таянади. “Ватан — миллат — халқ” концепцияси аскарларга куч беради, уларга масъулият юклайди, уларда садоқат туйғусини янада мустаҳкамлайди.

Сўнгги йилларда ҳарбий бўлинмаларда маънавий-маърифий ишлар тизими тубдан такомиллаштирилди. Ҳарбий психологлар фаолияти кенгайтирилди, бўлинмаларда психологик барқарорлиқни мустаҳкамлаш бўйича амалий машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда. Шу-

нингдек, ҳарбий хизматчилар учун ҳуқуқий саводхонлик дарслари, бўлинма командирлари билан маънавий-маърифий суҳбатлар, ёш аскарлар учун мослашув даври бўйича психологик тренинглар, оилавий масалаларга қаратилган психологик маслаҳатлар кенг жорий этилди. Мана шундай маънавий таянч ва руҳий барқарорлик ҳарбий хизматчининг жанговар тайёргарлиги билан бир қаторда армиянинг умумий салоҳиятини оширадиган муҳим омил ҳисобланади. Ҳарбий техника аскарнинг қўлида кучга айланади, аммо аскарнинг қалбидаги Ватан муҳаббати, зиммасидаги масъулият ва садоқат уни ҳақиқий мудофаа кучига айлантиради.

Жанговар салоҳият эса амалий машғулотлар ва технологик янги-ланишда кўзга яққол ташланади. Бугунги Қуролли Кучлар нафақат танкичи, балки замонавий техникага эга бўлган профессионал армиядир. Ҳарбий бўлинмаларда олиб борилаётган амалий машғулотлар, дала-ўқув жараёнлари, қўшин турлари ўртасидаги ҳамкорликдаги тактик ўқувлар армиянинг реал шароитда ҳаракат қилиш қобилиятини кескин оширмоқда. Полигонларда ўтказилаётган машғулотлар энди оддий назарий машқлар эмас, балки улар замонавий жанговар вазиятларни моделлаштирувчи реал тайёргарлик босқичларидир.

Бугун Ўзбекистон армияси шунчаки мудофаа кучи эмас, у тезкор, ҳаракатчан, технологик жиҳатдан таъминланган ва ҳар қандай хавф-хатарга қаққон жавоб бера оладиган профессионал қўшин тизимидир. Бу юксалиш мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш бораборида Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорликни кучайтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Зеро, бугунги Ўзбекистон армияси — Ватан тинчлиги, халқ осойишталиги ҳамда минтақа барқарорлигининг ишончли кафолатидир.

Жорий йилда барча ҳарбий қисм ва муассасалар жами 1 млн. нусхадаги бадий адабиётлар билан таъминланади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юқоридаги QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.35 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6